

КОМИЛ ИНСОН ШАХСИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚИРРАЛАРИ

**Сайдакбарова Муқаддас
Мұхаммадраһимовна,
Күкөн ДПИ, PhD**

Аннотация: Мақолада Ҳазрат Алишер Навоий шахсияти, туркӣ тил асосчиси сифатида туркӣ ривожи учун құлған ишилари, давлат арбоби сифатида садоқат ва масъулият билан бошқарувда олиб борган фаолияти, саҳоватпеша мұқаввий сифатида ҳайратланарлы саҳоват ишилари ҳақида, мутафаккир файласуф сифатида илоҳий ҳақиқаттарни ижтимоий жараёнга тадбиқ этиши усуллари, маҳоратли ижодкор сифатида яратған асарлари ҳақидағы маълумотларга яна бир бор назар солинган.

Калит сўзлар: феномен, шахс, арбоб, асосчи, саҳоват, ижодкор, садоқат, файласуф, илоҳиёт, ижтимоий жараён, вақф, мулк, англаш, моҳият

Аннотация: В статье рассказывается о личности хазрата Алишера Навои, его работе по развитию турецкого языка как основоположника турецкого языка, его работе как государственного деятеля в администрации с лояльностью и ответственностью, его удивительной щедрости как щедрого писателя, методы применения божественных истин в общественном процессе как мыслителя и философа и как искусного творца. Информация о его произведениях еще раз рассмотрена.

Ключевые слова: явление, человек, деятель, основатель, щедрость, творец, преданность, философ, теология, социальный процесс, дар, собственность, осознание, сущность.

Annotation: The article talks about the personality of Hazrat Alisher Navoi, the work he did for the development of the Turkic language as the founder of the Turkic language, his work as a statesman in governance with loyalty and responsibility, his amazing generosity as a generous defender, the methods of applying divine truths to the social process as a thinker and philosopher; skillful the information about the works created by him as a creator has been looked at once again.

Keywords: phenomenon, person, figure, founder, generosity, creator, devotion, philosopher, theology, social process, endowment, property, awareness, essence

Бисмиллахир роҳманир роҳим.

Риштага чекти неча дурру ятим.

Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.¹

Туркӣ халқлар адабиётида ўзининг бетакрор маҳорати, илмий-бадиий мероси билан ном қозонған ижодкор шахсиятлар беҳисобдир. Аммо бу улкан майдон ичида ҳазрат Алишер Навоий ўзига хослиги, ладуний иқтидори, қомусий маърифат соҳиби эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу чексиз

¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аброр.Т. ғофур Ғулом. 16- б

оламда шахслар борки, бир ўзи нафақат бутун миллат, балки бутун инсоният учун Буюк Зотдан тухфа ўлароқ яшаб ўтадилар. Юқоридаги гўзал байтлар муаллифи, “шараф ва улуғлик осмонининг офтоби, илм ва ирфон аҳли йўлбошчиси, ҳақиқат ва эътиқод аҳли қибласи, Раҳмоннинг раҳмат оятлари тажассуми”² мутафаккир олим Мир Алишер Навоий олтмиш йиллик умри давомида бор имкониятларини Ватан ривожи, миллат маънавий тадрижи, давлат равнақи ва адолатли сиёsat учун баҳшида этди.

Алишер Навоий ижодини бутун туркий халқлар мана олти асрдан буён ўрганиб келмоқдалар. Ҳазрат Навоий асарлари тилининг бир оз муракабблиги, ғоялар талқинида ўта нозик шарқона фалсафа билан йўғрилганлиги, шоир ижоди асл моҳиятини англашда илмий пойдевор лозимлиги бугунги кун муаммоларидан биридир. Бу ўз навбатида улуғ шоир маънавий-маърифий оламига кириб боришда маълум бир тўсиқ вазифасини ўтайди. Лекин бу омиллар Навоий оламидан узоқлашишга сабаблар ҳам эмас.

Маълум бир объектни жиддий ўрганиш учун аввал у объект шакли, мазмуни билан яқиндан танишиб чиқиш лозим. Шакл ва мазмун албатта моҳиятни ташкил қиласи. Шундай экан, Алишер Навоий фалсафасини англаш учун аввало Навоий шахсиятини таниш ва бевосита танишиш жараёнида унга бир даражада муҳаббат қўйиш муаммонинг ечимларига элтувчи омиллардан эканлигини тан оламиз.

Илмда “феномен”- деган атама мавжуд. Бу сўз юончада “кузатиладиган ҳар қандай ҳодиса” маъносини англатиб, адабиётшунослик контентида ўзгача, бетакрор иқтидор соҳибларига нисбатан қўлланилади. Ушбу атамани Навоий шахсиятига нисбатан қўлланилганда, унинг изоҳи сифатида бир қатор шоир шахсиятига доир бир қатор сифатларни эслаб ўтамиз, яъни Алишер Навоий ким, деган саволга шу қадар хайратланарли жавоблар топамизки, айнан мана шу ҳодиса шоирнинг мураккаб фалсафий оламини тушуниб етишимизда очқич вазифасини ўтайди.

1. **Алишер Навоий - туркий тил асосчиси.** Шоир ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ёзишича “Турк улусининг хуштаъ беклари ва мирзозодалари....кўпи, балки бориси форсийга мойил ва ул била назмга қойил бўлдилар.”³ Ўша давр илм тили араб, назм тили форсий бўлган бир вақтда, Алишер Навоий туркий тил вусъати ва ҳаробатини намоён қилиш, ҳамда шу мақсад билан бирга туркийгўй миллат вакилларини шу

² Хондамир. Макорим ул-аҳлоқ, 6-8

³ Муҳокамат ул луғатайн

кунгача арабий ва форсийда битилган бебаҳо асарлардан баҳраманд бўлишлари мақсадида, ҳар икки тилда ижод қила олиш имкониятига эга бўлган ҳолида, она туркий тилида ижод қилди. Навоийнинг туркий тилда ижод қилиши сабабларидан бири эътибордан четда қолган, оддий омма тили деб паст назарда қаралаётган, аксинча имкониятлари машҳур тиллардан кам бўлмаган туркий тилни илм ва адабиёт майдонига олиб кириш бўлган бўлса, яна бири ва муҳими Шарқ мусулмон олами бебаҳо илмий-адабий мероси арабий ва форсий тилларда бўлган. Туркийзабон оддий фуқоролар бу каби илму – ирфондан бир маънода бенасиб қолаётган эди. Халқпарвар, миллат ривожини ўз шахсий манфаатларидан устун қўйган Алишер Навоий бутун илмий-маърифий имкониятларини сарф этиб. Туркий тилда бетакрор, бебаҳо, бенуқсон илмий – адабий манбалар яратди. Буни биз мажозий талқинда жадичилик ҳаракатининг илк наъмунаси десак ҳақлимиз. Ҳусайн Бойқаро таъкидлаганидек “турк тилининг ўлган жасадига Масих анфоси била рух киорди”.

2. **Алишер Навоий – давлат арбоби.** Улуғ шоир 35 йилдан ортиқ умрини давлаб бошқарувига сарф этди. Расман 28 ёшида Ҳусайн Бойқаро хизматига кириб, токи умрининг сўнгигача дўстига садоқат, халққа эҳтиром билан хизмат қилди. Муҳрдорликдан кейинги амирлик лавозимидаги фаолияти жараёнида давлат хужжатларининг деярли барчасига қолган амирлар қатори ҳазрат Навоий ҳам имзо чекар эди. Бу жараёнда шоир хужжатнинг энг қуи қисмига муҳр урап эдилар, токи бошқа муҳр урадиган масъуллар Навоий ҳазратларидан юқорига имзо чекишлидан бошқа илож қолдирмас эди. Тасдиқланадиган хужжатларга муҳр уриши лозим бўлган масъул шахслар ичида шоирнинг муҳтарам устози Сайид Ҳасан Ардашер ҳам бор эди. Бу Навоий юқсак одобининг бир қўринишидир.

Алишербекнинг бу каби садоқат ва масъулиятли хизматларига жавобан Ҳусайн Бойқаро ҳам дўстини ўзгача муҳаббат ва эҳтиром билан сийлаган. 1492 йили чиқарилга шоҳ Фармонида шундай сўзлар қайд этилган эди. “Ҳар бир киши билсинки, Алишер Навоий менинг хузуримда сиз ақлингизга сикмас даражада қийматлидир ва унга ҳурматда асло нуқсонга йўл қўйманг. Мамлакатнинг ҳар бир фуқоросига амр этаманки, ҳар киши унга ҳурмат кўрсатишга бурчлидир.” Бу инсоният тарихида бир инсонга ҳурмат кўрсатилиш борасида чиқарилган биринчи Фармон бўлса ажаб эмас.⁴

⁴ Қаранг.Юсуф Четиндўғ.Алишер Навоий.тошкент, 2013, Муҳаррир

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро хизматида қўйидаги етти тамойил асосида фаолият юритган:⁵

1. Кўнглидан Султон ҳаёлидан бошқа барча нарсани ихроj қилди, яъни дўсти ва ҳукмдорига садоқатдан бошқа нарсага асло йўл қўймади.
2. Хизмат вазифасидан ташқари масалаларга аралашмади: кўриши лозим бўлмаган нарсани кўрмади, эшитиши лозим бўлмаган нарсани эшитмади, бориши лозим бўлмаган жойга бормади, айтиши лозим бўлмаган нарсани айтмади.
3. Хизмат даврида ҳеч қачон ўз манфаатини ўйламади, нимаики қилган бўлса фақат Тангри таоло учун, шоҳ ва халқ мафаати учун қилди.
4. Мамлакатда подшоҳ ўрнатган тартиб-қоидага зид қар қандай ҳаракат ва ҳолатлардан шоҳни огоҳ этди, нима иш юритса шоҳ билан маслаҳатлашиб қилди.
5. Кўлидан келгунча зулм тифини парчалаб, мазлумлар жароҳатига малҳам бўлди.
6. Фаолияти давомида оддий фуқародан тартиб то улуғларгача Навоийга иши тушиб мурожаат қилган, мурожаатларни имкон қадар эшитиб, амалий ҳал қилинишида катта ёрдам берган. Аммо ҳаргиз бу хизматлари учун на ҳақ ва на бир инъом олмаган.
7. Навоий шохнинг буйруғи ва таклифи билан дехқончилик билан шуғулланган. Бундан каттагина даромад келган. Келган даромадни уч кўринишида тақсим қилган: катта қисми подшоҳ хазинасига, катта бир қисмини илм аҳли ва оддик халқ учун сарфлаган, кичик бир қисмини эса камтарона шахсий ҳаётлари учун сарф этган. “Бу жумладин ўз маошимға сойир авомдин бирининг маоши ўтгунча, иссиқ-совуқ дафъи учун бир турма тўн, дағи мунга муносиб емакка қонеъ бўлдим”⁶.

3. **Алишер Навоий – саҳоватпеша.** Ҳазрат Навоий 1476 йили 35 ёшида мавлоно Абдураҳмон Жомий муршидлигида расман нақшбандия тариқатига киради (тариқат илмлари ва амаллари бу қунгача ҳам шоир фаолиятининг асосини ташкил қилиб келган). Тариқат йўлидаги солик ижодкор ўз асарларда тасаввуф ғояларини талқин қилиш билан бир қаторда, ғояларнинг амалий ифодаси ўлароқ 1481 йили ўзига тегишли деярли барча мулкларни вақф тасарруфига ўtkазади, яъни мулк ерларидан келадиган даромадларни давлат ижтимоий-сиёсий жараёнига бутунлай баҳшида этади. Тарихчи Хондамир

⁵ Қаранаг. Алишер Навоий. Қомусий луғат. Т, шарқ. 2015. 137-139 б

⁶ Алишер Навоий. Вақфия.

ўзининг “Макорум ул-аҳлоқ” асарида ёзишича, Навоий Хурросон мамлакатида 360 дан ортиқ мадраса, масжид, хонақоҳ, қўпприк, работ, шифохона, хаммом ва ҳовузлар қурдирганлар. Маълумотларга қараганда, Алишер Навоий вақф қилган мулк ҳисоби ўша давр пул ҳисобида 5 млн кепаки динорни ташкил қилган экан. (1 кепаки динор 6 дирҳамга тенг, бир дирҳам 3.12 гр кумушга тенг, 5млн кепаки динор 15 млн 600 минг грм кумуш яъни 15 минг 600 кг кумушга тенг. 15 минг 600 кг кумуш нарҳи 147 млн 561минг180 сўмга тенг).

Подшоҳ томонидан Ҳазрат Навоийга сарой ва ҳовли қилиш учун Инжил ариғи ёнида Марғана кўшки жайлашган ҳудуддан катта ер тухфа этилган. Шу ердан ўттиз жериб (ҳозирда бир жериб тахминан ўн сотих, ўттиз жериб тахминан уч гектарга тенг) қисмини девор билан ўраб, сарой қурган, ҳовлисини боғ қилган, бу кўшкка Ҳусайн Бойқаро ҳам ташриф буориб турган. Бир тарафига мадраса (Ихлосия) қурдирган, мадрасанинг қибла томонига масжид қурдирган. Масжидда намоз фикҳ ва ҳадис илмларидан дарс берилган. Қорилар томонидан ҳар куни Мұхаммад саллолоҳу алайҳи васаллам ҳақларига уч пора Куръон бағишлиланган. Масжид қаршисида хоноқоҳ (Халосия) барпо этилган. У ерда ҳар куни таом пиширилиб, кунига 1000 дан ортиқ камбағаллар, шу ҳудуд аҳолиси, йўловчи сайёҳлар учун текин тарқатилаган. Рамазон ойларида муҳтоjlар учун 2000 га яқин пўстин, чакмон, кўйлақ, иштон, бош кийим ва оёқ кийим улашилган. Кўп ҳолларда илм аҳли ва оддий ҳалқ учун рамазон ва бошқа муносабатлар билан алоҳида зиёфатлар уюштирганлар. Шу каби зиёфатлардан бири – мадрасалардан бирининг қуриб битказилиши шарофати билан ўтказилган маросимда 50 та қўй, 9 та от сўйдирган. Маросим сўнгида Ҳазрат Навоий бино қурилиш жараёнida кимгаки бир оз бўлсада оғирлик тушган бўлса, зиён – заҳмат етган бўлса, шулар учун кечирим сўраганлар. Бу эса ҳазрат Навоий томонидан амалга оширилган саҳоват ишларининг юздан бири бўлиш билан бирга, инсоний маънавий камолот юксак даражасининг амалдаги ифодаси эди.⁷

4. **Алишер Навоий – қомусий олим, илохий насиба соҳиби бўлган ижодкор.** Ҳазрат Навоий феноменига назар солар эканмиз, у ўзидан қолдирган илмий-адабий меросининг хилма – хиллиги билан янада аҳамиятлидир. Алишер Навоий назмда ва насрда асарлар битиш билан бирга, илмий йўналишда ҳам бебаҳо асарлар битган. Лирик мероси, илмий-ирфоний асаарлари нафакат шарқ мусулмон адабиёти, балки жаҳон тамаддунида ўта қимматга эга манбалардан ҳисобланади. Устози Жомий муршидлигига (бошқа устозлардан ҳам бу борада

⁷ Макорум ул аҳлоқ. 82 83 бет

таълим олган. Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳожа Фазлулоҳ Абуллайс каби устозлари шулар жумласидандир) тариқат йўлида тарбия топар экан, инсоният олдига қуйилган бош масалалар - Олам ва Одам, Ҳаёт ва Мамот, Эзгулик ва Жаҳолат, Бошланиш ва Якун каби фалсафий гоялар Алишер Навоийнинг ҳам ҳаётий дастури, ҳам ижодининг асосий мавзусига айланди. Барча ижод наъмуналарида анашу қадимий мавзуларни тадқиқ этди, ўзи англаған моҳиятни ўзгага ҳам илинди. Чексиз Олами кабирда шарафланган Олами сағир - инсоннинг яралишидан ва яшашидан мақсад ўзини англаши ва ўзни англаш орқали Буюк зотни англаши эканлигини таҳлил қиласи, ҳаётий мисоллар билан фалсафий мушоҳада этади. Ўткинчи дунёга бўлган муносабатни бир ёқлама ҳал этмайди, ижтимоий жараён илоҳий вуслат учун элтувчи восита, кўмакловчи кўпrik эканлигини тан олади ва инсонларни бундан огоҳликка тарғиб этади.

Шамъи бақочун ёруқ айлаб кўзин,
Англабон ул салтанат ичра ўзин.

Фатҳ ўлуб ул мулк ила кишвар анга,
Балки жаҳон мулки мусаххар анга.

Мулк ўзию, таҳт ўзию, шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадан огоҳ ўзи.

Нафсға чун ориф ўлиб мў-бамў,
Фойиз ўлуб “Қод арафа роббаҳу”⁸

Ҳадсиз борлиқнинг эрка маҳлуқоти бўлган инсон унга тухфа этилган онг воситасида Буюк Зот, Олам, Одам учлигининг ўзаро боғлиқлиқлиги, Ўзидан яна Ўзига қараб ҳаракатланаётган банданинг парвоз вазифасини муваффақият билан якунланиши, Ўзга қайтиш содир бўлиши учун Одам оламни таниши, оламни таниш аввало ўзини таниши билан бошланиши ва якунланиши, Буюк Зот ҳузурига қайтиш учун инсон бутунича моҳиятга айланиши, маърифатуллоҳ билан қоришиб кетиши, “Ман арафа нафсаҳу, фақод арафа роббаҳу” (Ким ўзини англаса.Бас. Роббисини англабди) мақомини маҳв этиши лозимлигини шоир ўз асарларида турли усуслар ва бадиий воситалар орқали талқин этади. Бу каби ирфоний фалсафий қарашлари билан Алишер Навоий шахсиятининг сирли, кзни қамаштирадиган гўзал. Мутафаккирона жиҳатларини англаб етамиз,

⁸ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аброр.Т. ғофур Ғулом. 83-82 б.

бебаҳо меросига асрлар ўтсада қайта-қайта мурожаат қиласиз. Ҳар мурожаат қилганда Навоий илмийбадиий мероси янги қирралари билан кўз ўнгимизда намоён бўлаверади, ўзини замонавийлигини тасдиқлайверади.

Буюк шахсиятлар ҳақида сўз юритилганда уларни қайта – қайта тасдиқлаш ўринсиздек туюлади. Уларни Инсоният тамаддуни ҳалигача сиқиб чиқармагани ўзи, уларга мурожаатларнинг тоборо ортиб бораётганининг ўзи кифоядек гўё. Аммо ўлиш ва туғилишдек илоҳий жараён инсоният маънавий олами учун муҳим ва қадрли бўлган ҳодисаларни янгитдан танишга ва танитишга бўлган эҳтиёжни туғдиради. Навоий феномени ўзининг қомусийлиги билан ҳайратга солар экан, бундай таваккур даражаси, куч, қудрат, иштиёқ бир инсонда қандай мужассам бўлиши мумкин деган саволни олдимизга қўяди. Бунга инсоний ақлимиз билан қуидагича жавоблар топамиз: Ҳазрат Навоий фалсафий мушоҳадаларида оламни яралишига сабаб ишқ деб жавоб берадилар. Ишқ туфайли маҳфий бўлган Зот бу оламни яратди, Ўзини ошкор бўлишини истади, Ўзни ошиқ маҳлуқотларни маъшуқ ўрнида кўриш истади, яратиқлар оламига ўзидан асар тарқатиб, бу каби гззалликда Ўзни томошо қилиш, Ўзининг мазҳари бўлган маҳлуқотлар оламиишқ у муҳаббатдан маст бўлишини, бу мастилик алалоқибат Ўзига қайтишларига восита бўлишини истади.

Одами хокийни чу субҳи аласт,

Айладилар рух майи бирла маст.⁹

(Аласт тонгида одам ҳокини рух майи билан маст қилди)

Тушти жаҳон мулкиға ғавғойи ишқ,

Бўлди замон ахлиға яғмойи ишқ.¹⁰

(Жаҳон му ишқ ғавғоси тушди, замона ағлига

Кимки боши саждада – масжидисен,

Кимки юзи қиблада – маъбудисен.¹¹

Кимки бу куймак одат эрур,

Дунё-ю уқбода саодат эрур.¹²

⁹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аббор.Т. Ғофур Ғулом. 163- 6.

¹⁰ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аббор.Т. Ғофур Ғулом. 165- 6.

¹¹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аббор.Т. Ғофур Ғулом. 16- 6.

¹² Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аббор.Т. Ғофур Ғулом. 172- 6.

Ишқга таъриф берилганда илоҳий ва мажозий тсифатлари берилади: ишқи илоҳий ва ишқи мажозий. Ишқи илоҳий бу тўғридан тўғри Яратганга бўлган муҳаббат. Ишқи мажозий эса инсонлар ўргасидаги муҳаббатдир. Шоир ўзининг “Маҳбуб ул –кулуб” асрида мажозий ишқни учга бўлиб таснифлайди: **ишқи авом** – нафс истагидаги ҳодиса, **ишқи хос** – инсон ва жуфт, инсон ва ота ва она, инсон ва фарзанд, инсон ва устоз, инсон ва жамият ўртасидаги манфаатларга асосланмаган ҳодиса, **ишқи сиддиқ** - инсоннинг Пайғамбар салолоҳу алайҳи ваалламга бўлган ишқ. Ишқи хос ва ишқи сиддиқ илоҳий ишққа элтувчи кўприк сифатида талқин этилади. Инсонда ишқнинг камол топиши, тарбияланиши учун у басира, сарира, маърифат деб номланган босқичама – босқичли англаш жараёнини ўзидан ўтказиши, ҳаққал яқин ҳолини касб этиши лозим. Ҳаққал яқин даржасида маърифатга эга бўлиш инсон кўнглининг ишқ билан лиммо – лим тўлишидир Бу каби босқичлардан ўтиш, Ҳаққал яқин даражасига этиш учун эса Олам Одам учун энг муҳим ёрдамчи обьект вазифасини ўтайди. Ҳазрат Навоий шахсиятидаги мукаммаллик, қомусийликнинг асоси аввало илоҳий танлов бўлса, кейин маърифат босқичларини тўла маҳв қилганлиги, маҳв қилиш эса жамиятга нисбатан муносабатларнинг ўта масъулият билан инсонпарварлик, ватанга муҳаббат ғоялари билан таркиблангандигида, яъни қалбнинг ишқ билан ёнганлигидадир дея хуроса қиласиз. Зоро, Навой ҳазратлари ўzlари таъкидлагнларидек,

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Икки жаҳон демаки жон бўлмасин,

Ишқсиз ул танки анинг жони йўқ,
Хуснни нетсун кишиким, они йўқ.¹³

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Қомусий лугат. –Т., Шарқ. 2015.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аброр.-Т., Фофур Ғулом.
3. Юсуф Четиндўғ. Алишер Навоий.-Т., 2013, Мухаррир
4. Muhammadrahimovna, Saidakbarova Muqaddas, and Kurbanova Feruza Azamovna. "FOLKLORE AND WRITTEN LITERATURE RELATIONS." International Journal of Early Childhood Special Education 14.7 (2022).

¹³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.10 жилдлик. 6-жилд. Ҳайрат ул-аброр.Т. Фофур Ғулом. 166- б.

5. Saidakbarova, Muqaddas Muhammadrahimovna, and Ramziya Abdurahimovna Jo‘Rayeva. "SHOH BAHROM: TARIXIY SHAXS VA BADIY OBRAZ." Academic research in educational sciences 4.Conference Proceedings 1 (2023): 168-173.
6. Сайдакбарова, Муқаддас. "" TARIXI MULUKI AJAM"(" ИСТОРИЯ ИРАНСКИХ ЦАРЕЙ") КАК НАУЧНО-ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ИСТОЧНИК." Theoretical & Applied Science 12 (2018): 122-126.
7. SAIDAKBAROVA, M. "Historical facts and poetic fictions in the work of Alisher Navoi." Scientific Journal of Fergana State University 1 (2018): 106-108.
8. SAIDAKBAROVA, M. "Historical facts and poetic inventions in Alisher Navoiy's creative work." Scientific journal of the Fergana State University 1.4 (2018): 106-108.
9. Muqaddas, Saidakbarova. "INTERPRETATION OF ENLIGHTENMENT AND SPIRITUALITY." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 405-409.
10. Saidakbarova, M. M. "Tarixi muluki Ajam." The history of Iranian kings") as the scientific-artistic source. ISJ Theoretical & Applied Science 12.68 (2018): 122-126.
11. Tohirovna, Saidakbarova Mukaddas Muhammadrahimovna Mamatqulova Feruza. "The Bobur is the true of the Renaissance ruler..." Journal of Modern Educational Achievements 5.5 (2023): 442-447.
12. Yakhyokhanova, Oyzoda, and Saidakbarova Mukaddas Muhammadrahimovna. "Influence of the work of the Azeri poet in the works of representatives of the Kokand literary environment." Journal of Modern Educational Achievements 5.5 (2023): 448-457.